

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Қашқадарё вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи  
\_\_\_\_\_ Ф.Тураев

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил

## Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлими тўғрисида НИЗОМ

### 1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Қашқадарё вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари масалалари бўйича фаолиятини бошқарманинг таркибий бўлинмалари, ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғи ўринбосарига бўйсунди.

### 2 боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари қисми бўйича Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишлар режа-жадвалининг бажарилишини таъминлаш;

б) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш;

в) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича Қашқадарё вилоятидаги энг муҳим ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилларини олиб бориш;

г) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини, статистик ахборотларнинг қулайлиги, очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

д) ишончли давлат статистика маълумотларини тақдим этишда уй хўжаликлари респондентларига ҳар томонлама кўмаклашиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни оширишда иштирок этиш, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

е) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича олинган статистика маълумотларининг махфийлиги, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ж) турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида оммавий ахборот воситаларида таҳлилий лавҳалар, диаграммалар ва графикларни кенг намоиш қилиш, статистик нашрларга кўрсаткичларни визуаллаштиришнинг илғор усулларини жорий этиш йўли билан алоҳида статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш бўйича чораларни кўриш;

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастури ҳамда статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича белгиланган ишларнинг тўлиқ ва муддатларида бажарилишини таъминлайди;

Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувларига оид статистика методологияларини халқаро стандартлар ва расмий статистика принципларига, жамият эҳтиёжларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мос келишини таъминлайди;

Бўлимга таълуқли бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида, таклифлар тайёрлайди;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғади, қайта ишлайди, тўплайди, сақлайди, умумлаштиради, таҳлил қилади ва эълон қилади;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича кўрсаткичларнинг ишончлилигини, холислигини ва комплекслилигини таъминлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

### **3 боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Турмуш даражаси статистикаси бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Бошқарманинг таркибий бўлинмаларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Бошқарма раҳбариятига турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат статистика ишлари дастурига асосан статистика ишларини ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича кузатув шаклларининг тўлиқлигини таъминлаш, йиғиш ва қайта ишлаш муддатларини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун мажбур:

ўзига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада ва самарали бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси тамойилларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

### **4 боб. Бўлимнинг таркиби**

10. Бўлим таркибига бўлим бошлиғи, бош ва етакчи мутахассис, мутахассислар қиради.

11. Бўлим иш фаолиятига бевосита бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи, бош ва етакчи мутахассис, мутахассислар бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

### **5 боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

16. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги Низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси

раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, бошқарманинг иш режалари бўлимнинг иш режаси ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

#### **6. Бўлим бошлиғи:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим ходимлари ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарманинг йиғилишлари ва мажлисларида қатнашади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига биноан таҳлилий ва умумлаштирувчи материаллар тайёрлайди, қўйилган вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Бошқарманинг ва бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим ходимлари билан олдиға қўйилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари бўйича йўриқнома йиғилишлар ўтказиши;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бош мутахассис бажаради.

## **7. Бўлим бош мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавобгар;

тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (ҳужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш лойиҳасини тайёрлайди;

бўлим бошлиғи бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бажариш, бўлим ишларини мувофиқлаштириш ва бўлимга юклатилган вазифалар, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ва Бўлим фаолиятини, ижро ва меҳнат интизоми ҳолатини назорат қилиш ишларини амалга оширади;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **8. Бўлим етакчи мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавобгар;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

иш юритишни олиб боради, бўлимда ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **9. Бўлим мутахассислари (интервьюерлар):**

уй хўжаликлари танланма кузатуви бўйича маълумотларни респондентлардан ўз вақтида йиғиш, таҳлил қилиш, электрон базага сифатли киритилиши бўйича шахсан жавобгар;

Уй хўжаликларига ташриф ва кузатувларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 18 мартдаги 2-сонли қарори, Уй хўжаликларида танланма кузатув ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланмага ва унинг иловаларига асосан, белгиланган тартибда Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширади;

олинган маълумотларни махфийлигини, тўлиқлигини ва уларни ўз вақтида бўлимга етказилишини, электрон базага сифатли киритилишини таъминлайди;

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Тошкент вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи в.б**

**А.А.Каримджанов**

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 йил

**Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлими  
бошлиғи лавозимига йўриқномаси**

1.Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим ходимлари ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

2.Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

3.Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Бошқарма бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

4.Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

5.Бошқарманинг йиғилишлари ва мажлисларида қатнашади;

6.Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига биноан таҳлилий ва умумлаштирувчи материаллар тайёрлайди, қўйилган вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

7.Бошқарманинг ва бўлимнинг жорий ва истиқболли иш режаларига мувофиқ бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

8.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

9.Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

10.Бўлим ходимлари билан олдига қўйилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари бўйича йўриқнома йиғилишлар ўтказиши;

11.Иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

**Мазкур лавозим йўриқномаси билан танишдим ва уни бажариш мажбуриятини оламан:**

(имзо)

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

(сана)

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Тошкент вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи в.б**

**А.А.Каримджанов**

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 йил

**Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлими бош  
мутахассиси лавозимига йўриқномаси**

1.Функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва хужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавобгар;

2.Тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (хужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

3.Бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш лойиҳасини тайёрлайди;

4.Интервьюерлар томонидан Уй хўжаликлари танланма кузатувлари бўйича йиғилган маълумотларни текширади, электрон базага сифатли киритилишини назорат қилади;

5.Ҳар ойда кузатув ўтказилган уй хўжаликларига олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги, уй хўжаликларига берилган мукофот пулларининг берилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

6.Уй хўжаликлари танланма кузатувлари бўйича ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик маълумотларни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, ўтган даврга нисбатан динамикасини таҳлил қилади.

7.Бўлим бошлиғи бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бажариш, бўлим ишларини мувофиқлаштириш ва бўлимга юклатилган вазифалар, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ва бўлим фаолиятини, ижро ва меҳнат интизоми ҳолатини назорат қилиш ишларини амалга оширади;

8.Раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

9.Вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**Бўлим бошлиғи:**

**Мазкур лавозим йўриқномаси билан танишдим ва уни бажариш  
мажбуриятини оламан:**

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(исми, отасининг исми ва фамилияси)

\_\_\_\_\_  
(сана)

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи в.б

А.А.Каримджанов

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 йил

**Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлими  
етақчи мутахассиси лавозимига йўриқномаси**

1.Функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавобгар;

2.Бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги муурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

3.Иш юритишни олиб боради, бўлимда ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

4.Интервьюерлар томонидан уй хўжаликлари танланма кузатувлари бўйича йиғилган маълумотларни текширади, электрон базага сифатли киритилишини назорат қилади;

5.Ҳар ойда кузатув ўтказилган уй хўжаликларига олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги, уй хўжаликларига берилган мукофот пулларининг берилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

6.Уй хўжаликлари танланма кузатувлари бўйича ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик маълумотларни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, ўтган даврга нисбатан динамикасини таҳлил қилиш;

7.Раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

8.Вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**Бўлим бошлиғи:**

**Мазкур лавозим йўриқномаси билан танишдим ва уни бажариш  
мажбуриятини оламан:**

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (исми, отасининг исми ва фамилияси)

\_\_\_\_\_ (сана)



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи в.б

А.А.Каримджанов

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 йил

**Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлими  
мутахассиси лавозимига йўриқномаси**

1. Уй хўжаликлари танланма кузатуви бўйича маълумотларни респондентлардан ўз вақтида йиғиш, таҳлил қилиш, электрон базага сифатли киритилиши бўйича шахсан жавобгар;

2. Уй хўжаликлари ташриф ва кузатувларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 18 мартдаги 2-сонли қарори, уй хўжаликларида танланма кузатув ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланмага ва унинг иловаларига асосан, белгиланган тартибда уй хўжаликларида кузатув ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширади амалга оширади;

3. Олинган маълумотларни махфийлигини, тўлиқлигини ва уларни ўз вақтида бўлимга етказилишини, электрон базага сифатли киритилишини таъминлайди;

4. Уй хўжаликлари танланма кузатувлари бўйича ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик маълумотларни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, ўтган даврга нисбатан динамикасини таҳлил қилиш;

5. Раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

6. Вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**Бўлим бошлиғи:**

**Мазкур лавозим йўриқномаси билан танишдим ва уни бажариш  
мажбуриятини оламан:**

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

\_\_\_\_\_

(сана)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

\_\_\_\_\_

(сана)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

\_\_\_\_\_

(сана)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

\_\_\_\_\_

(сана)

---

(имзо)

---

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

---

(сана)

---

(имзо)

---

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

---

(сана)

---

(имзо)

---

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

---

(сана)

---

(имзо)

---

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

---

(сана)

---

(имзо)

---

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

---

(сана)

---

(имзо)

---

(исми, отасининг исми ва фамилияси)

---

(сана)